

## XI-XIII АСРЛАРДА ХОРАЗМДА ИЛМ-ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Юнусова Дилноза Маметшариповна,**  
Тошкент амалий Фанлар Университети  
“Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Мазкур мақолада XI-XIII асрлар Хоразмишохлар давлатида маданиятнинг юксалиши ҳамда мазкур даврда яшаб ижод қилган мутаффакирларнинг жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган хиссалари ёритилган. Хусусан Қутбиддин Муҳаммад I ва Отсиз хукмронлиги даврида Маъмун Академиясига ўхшаш академия яратилганлиги унда машҳур олимлар фаолият юритганлиги ҳақида маълумотлар берилган.*

***Калит сузи:** Ануштегинлар, илм-фан, маданият, этнография, мадраса, Маъмун академияси, тасаввуф.*

**Кириш:** Хоразм воҳаси қадимдан ўзига хос цивилизация шаклланган ўлкалардан бири бўлиб келган. Асрлар давомида бу ҳудудда шаклланиб, ривожланган давлатлар ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичларни ташкил қилади. Хоразм воҳаси қайси бир салтанат ва давлат таркибида бўлмасин ўзига хос тарихи ҳамда маданияти билан ажралиб, унинг моддий ва маънавий мероси ўзбек халқининг бой ўтмишининг намунасидир.

Хоразм тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади. Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртларида ўрганадиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, қомусий илм соҳиби буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний мана шу муқаддас заминда туғилган. [3]

Хоразм давлати Марказий Осиёда бўлиб ўтган барча тарихий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлган. Аммо, шу даврлар ичида Хоразмшоҳ - Ануштегинлар даври алоҳида ажралиб туради. 1043 йили Хоразмни забт этиб бу ерда Ануштегинлар-Хоразмшоҳлар сулоласига асос солганлар. Қутбиддин Муҳаммад, Жалолиддин Отсиз, Эл-Арслон, Султоншоҳ Маҳмуд ҳамда Алоуддин Текеш, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Жалолиддин Мангуберди (1097-1231) ушбу сулоланинг ҳукумдорлари бўлганлар.

Бу сулоланинг баъзи ҳукумдорлари ислом тарихида ҳам катта таъсир ўтказган. Қарийб икки юз йиллик тарихга эга бўлган Хоразмшоҳ - Ануштегинлар давлатида кечган турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар тарихи бугунги кунда ўрганилиши долзарб бўлган мавзулар объектига айланмоқда. [4]

Бугунги кунда тарихни ўрганиш, ёш авлодни тарихга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланмоқда. Тарихни ўрганиш биринчидан ёш авлодни тарихга бўлган муносабатини ўзгартирса, иккинчи томондан ёш авлодда миллий ғурурни шакллантиради. Шунингдек, тарихини ўрганишдаги яна бир муаммолардан бири археологик ва тарихий илмий асарларнинг рус тилида чоп этилиши бўлиб, бугунги кунда бундай муаммоларни бартараф этиш, халқимизга бой қадимий тарихимизга оид илмий, ўқув адабиётларини ўзбек тилида нашр қилдириш долзарб масалага айланган.

**Асосий қисм:** Хоразм диёри Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий маданият масканларидан бири бўлиб, бунинг тасдиғи археологик тадқиқотларда ҳам, ёзма маълумотларда ҳам ўз аксини топган, бу ҳақида қатор илмий изланишлар чоп этилган. Омонулла Бўриев, Нурёғди Тошевларнинг “Жалолиддин Мангуберди” номли монографиясида Жалолиддин Мангубердининг саркардалиқ фаолияти, Хоразмшоҳлар салтанати тарихи ва тарихшунослиги акс этган. Манбалардан таржима лавҳалар ҳам берилган. Озарбайжонлик атоқли тарихчи олим ва академик Зиё Буниёдовнинг “Ануштагин Хоразмшоҳлар

давлати” китобида ҳам Хоразмшоҳлар давлати тарихи, сиёсий-иқтисодий тузуми, юксак маданияти ишончли, асл манбалар асосида ёритиб берилган.

Қудрат Машарипов “Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X-XV асрлар)” монографияси ўрта асрлар даври Хоразм савдо марказлари тўғрисида, Хоразмнинг нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон миқёсидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳақида маълумот беради.

Фозила Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб. Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари” китобда Хоразм ва Хоразмшоҳлар давлатида маданий ҳаёт илм-фан ривожини, ғарбда Ал-Хоразмий ва Абу Райхон Беруний ижодини ўрганилиши ва ғарб илм-фан траққиётига тасъири ҳақида чуқур ўрганилган.

Ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши фан ва маданият тараққиётига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатди. Хоразмшоҳлар давлатида фаннинг ижтимоий йўналиши билан бир қаторда, табиий ва аниқ фанлар ҳам ривож топди. Пойтахт Гурганждан ташқари Хоразмшоҳлар давлатининг бошқа йирик шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур каби шаҳарларда ҳам кўплаб мадраса ва масжидлар бор эди. Моварауннаҳр, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Ироқ ўлкалари орасида маданий алоқалар кучайди. Ўша даврнинг олимлари ва фозиллари жумласидан қуйидаги шахсларни санаб ўтиш мумкин. Рашидиддин Ватвот шоир ва машҳур котиб, Камолиддин Исмоил Исфаҳоний - шеърят мактабининг атоқли вакили, Асириддин Аҳсикатий - Хоразмшоҳлар замонасидаги атоқли шоир ва уламолардан бири, Ал-Ҳаким Али ибн Муҳаммад ал-Ҳижозий ал-Қоъиний - атоқли шифокор, замонасининг илмли инсонларидан бўлган. Баҳовуддин Хорогий - Марв донишмандларидан бири, астрономия ва мантиққа доир асарлар муаллифи, Марвон ал-Хоразмий – адиб Маҳмуд Замаҳшарийга адаб илмидан дарс берган. Абу Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий илоҳиётчи ва тарихчи олим сифатида ном қозонган.

Россиялик тадқиқотчилардан В.В.Бартольд “Туркестан в эпоху монгольского нашествия” [5], “К вопросу о Чингизидах христианах”, [6]

“История культурной жизни Туркестана” [7] каби асарларида илк бор Хоразмшоҳлар - Ануштегинийлар сулоласи тарихини манбалар асосида, ижтимоий ва майиший шароитларига эътибор берилган ҳолда ёритади. Хоразм ёзма манбаларида ўзбек давлатчилиги тарихини ёритар эканмиз, мавзуимиз доирасида, В.В.Бартольднинг “Хоразмшоҳларнинг юксалишига уларнинг қулай табиий шароитлари, яъни мустақил ягона жуғрофий ва этник муҳит сабаб бўлган. Хоразмшоҳлар ўз рақибларидан ўзларининг сиёсий санъатлари билан устун бўлиб, аста секин мусулмон оламининг шарқида биринчи бўлиб олдилар”[5] деган хулосалари муҳимдир. В.В.Бартольд ўзининг “Образование империи Чингизхана” асарида қисман Хоразмшоҳлар давлати ва унинг давлат тизими ҳақида тўхталиб ўтади. В.В.Бартольднинг “История культурной жизни Туркестана” асарининг III бобида Хоразмшоҳлар давлатига алоҳида аҳамият берилган.

Зиё Буниёдовнинг “Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати” асарида “Хоразмшоҳлар давлатида, айниқса султон Такеш ва Аловиддин Муҳаммад даврларида маданий ҳаёт раванқ топган. Айниқса, қасидагўй ва дostonчи шоирлар ижоди гуллаб-яшнаган” деган хулосалари маданий ҳаёт таракқий этганлигини эътироф этади. [8]

Султон Санжарнинг пойтахти Марв Хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди. Бироқ, мўғул истилоси оқибатида бу шаҳар таназзулга юз тутди. Мўғул истилосидан биров олдин бу ердан чиқиб кетган Ёқут Ҳамавий шаҳарда ўша вақтда ўнта кутубхона бўлганлиги тўғрисида ёзган эди. Жоме масжиди кутубхонасида 12 минг жилд китоб бўлган. Шаҳардаги барча кутубхоналардан фойдалангани ва шу туфайлигина асарларини ёза олганини эътироф этган. Ёқут Марвда ҳам қўлёзма асар нусхалари кўп бўлганлигини, асосий эътибори билан дунёнинг бирор шаҳридаги кутубхона Марв билан беллаша олмаслигини қайд қилган эди. Бу Хоразмшоҳлар даврида Маврнинг буюк бир маданият марказига айланганлигидан далолат беради. [12]

Ануштагин – Хоразмшоҳлар даври маданий ёдгорликлари жумладан, ёзма меросининг бир қисми бизнинг замонамизгача ҳам етиб келган. Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж XII асрда дунёнинг энг тараққий этган маданият марказларидан бирига айланди. Хоразм ҳукмдори Отсиз 1142 йилда Хуросон юришидан қайтганда, бу ерга жуда кўп олимларни олиб келган эди. Султон Санжар вафот этгач ва давлат империя сифатида шаклланидиган сўнг, Гурганжга кўплаб олиму уламолар кўчиб келдилар. [12]

Хоразмшоҳларнинг иншо девонига ҳар доим даврнинг энг машҳур муншийлари раҳбарлик қилган. Такеш даврида бу вазифада машҳур Баҳоуддин Боғдодий ишлаган бўлса, Жалолиддин замонида Насавий хизмат қилган. Улардан ташқари, Замахшарий, Рашидиддин Ватвот, Фахриддин Розий каби олим ва шоирлар Хоразмда яшаб ижод қилганлар. Илмий муассасалар бой вақфларга эга бўлган. Бу ерда олимлар турли соҳаларда тадқиқот ишларини олиб боришган. Ҳукмдорларнинг катта илтифотига сазовор бўлган бу машҳур олимлар халқ ўртасида катта обрў қозонган эдилар. Фахриддин Розий ва Шихобиддин Хивакӣй каби олимлар шаънига ёзилган қасидалар бунинг ёрқин далилидир. Хоразмдаги кутубхоналар ҳақида Насавий берган хабарни, тарихчи Ибн Исфандиёрнинг шаҳарда китоб тижорати билан шуғулланган саҳҳофларнинг махсус бозори бўлганлиги тўғрисидаги фикрини эътиборга олсак, пойтахтнинг улкан илм-фан ва маданият марказига айланганлиги маълум бўлади. [12]

Хоразмшоҳлар даврида илмий, адабий ва диний асарлар араб тилида ёзилган. Навҳ-грамматика ва луғат илмларида арабу ажам олимларига устозлиги учун ан-Наҳавий ва ал-Луғавий лақабларини ҳам олган буюк мутафаккир Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) риторика, стилистика, астрономия, ва бошқа фанларга оид жуда кўп асарлар муаллифи. Айниқса, унинг араб тили фонетикаси ва морфологиясига бағишланган “Ал-Муфассал”, Қуръони карим тафсирига оид “Ал-Кашшоф” асарлари жаҳон маданияти раънақига кўшилган дурдона асарлардир.[8]

Маълумки, ўша вақтда Ғарбда лотин тили худди шундай ролни ўйнаётган эди. Фақат олимларгина эмас, балки ўша даврнинг зиёлилари ҳам арабчани яхши билган. XII асрда айрим илм соҳаларида она тили туркий ёки форс тили бўлган ўрта синф зиёлилари орасида бироз осонлиги учун форс тили ҳам қўлланилган.

XII-XIII асрларда қўшни давлатларни ўзига бирлаштирган Хоразм ўта кучли империяга айланди. **Натижада**, “Маъмун Академияси”дан 100 йил кейин Қутбиддин Муҳаммад I ибн Ануштагин ва унинг ўғли ал-Малик Абу Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз томонидан “Маъмун Академияси”га ўхшаган Академия ташкил этилди. Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз ҳукмдорлик қилган даврларда Хоразмга Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа юртлардан йирик олимлар таклиф қилинган. Исмоил Журжоний, Абу Бакр Абулқаҳр ибн Абдурахмон Журжоний, Ҳаким Азракий, Абдурахмон Ҳасан Алкутаний Марвазий, Абул Маҳасин, Муҳаммад ибн Умар ал-Хусайн, Абу Абдулла Фахриддин ар-Розий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Умар ал-Чағминий шулар жумласидандир. [8]

“Маъмун Академияси” 17 йил фаолият кўрсатган бўлса, бу Академияда камолга етган олимлар 60 йил фан ва маданият равнақида хизмат қилишди. Шарқшунос олим В.В.Бартольднинг фикрича, Отсиз ҳукмронлик қилган даврда Хоразмнинг нуфузи Каспий денгиздан тортиб, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта қисмларигача бўлган ерларга ёйилган. [12]

Ўша даврда йирик илмий ва маданий марказлардан бирига айланган Гурганж ва Катда маънавиятнинг бундай ривожиди маҳаллий олиму-адиблар, шоирлар билан бир қаторда хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб, ижод қилган олиму фозиллар ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлганлигини, манбалар тасдиқлайди.

Хуросоннинг Нисо шаҳридан келган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ан-Насавий, ал-Қассоб номи билан машҳур Сарийъ ул-Каас лақабли нишопурлик адиб Муҳаммад ибн ал-Хусайн, машҳур балхлик шоир ва адиб,

машхур котиб Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий Рашидиддин ал-Ватвот каби ўнлаб олиму фозиллар тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ фалакиёт, физика, кимё, табобат, жўғрофия, тарих ва бошқа фанларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

“Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангкбурни” асари муаллифи Шихобиддин Насавий шоир, тарихчи, давлат арбоби, Хоразмшоҳ султон Жалолиддин девонида муншийлик вазифасида хизмат қилган. Баъзи вақтларда султон Жалолиддиннинг элчиси сифатида бошқа мамлакатларга давлат ишларини ҳал этиши учун борган. Султоннинг подшоҳлар ва маликаларга юборадиган мактублари ва бошқа ҳужжатларини тузган. [8] Хоразмшоҳ ҳақида турли даврларда битилган барча асарлар орасида энг ишончлиси, холис ёзилган тарихий манбадир.

Хоразм мадрасаларига мударрислар ва имомлар бевосита Султоннинг ёки ҳокимнинг махсус кўрсатмаси билан тайинланган. Хоразмшоҳлар давлатида кўзга кўринган машхур давлат арбоби, маърифатпарвар мударрис Султон Алоуддин Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси Шихобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивакий бешта мадрасада фикҳдан дарс берган. Муфти Шихобиддин Хоразмда биринчи бўлиб, масжид қошида кутубхона қурдирган. Бу кутубхона жуда ҳам нодир китоблар билан бойитилган. Мадраса мударрислиги обрўли мансаб бўлиб, баъзан истеъфога чиққан юқори мартабали амалдорлар мударрис бўлиб ишлаган. [8]

Рашидиддин ал-Ватвот (1115-1182) мактублари орқали Хоразмда ўша пайтда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурганини англаймиз. Шу боисдан Хоразмга хорижий элу юртлардан кўчиб келувчилар кўп бўлган. Хоразм шу даражага бориб етдики, - деб ёзади Рашидиддин ал-Ватвот, - у қўрққан ва хавф-хатарга тушганлар учун беҳатар макон, элма-эл кезиб юрадиганларга манзилгоҳ, дарвишлар учун паноҳжой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматлардан қалблари куйиб-ёниб нажот излаб келадилару, бу жойда барча иллатлари шифо

топган, дарду аламлари бартараф бўлган, жамики юмушу ташвишларидан кутилган ҳолда қайтадилар. Оллоий таолога бу ўлкага кенг қўламда бундай улуғлигу бу даражадаги олий ҳимматни муяссар кўрганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин”. [9]

**Хулоса:** Илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти Хоразмда хунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, ташқи ва ички савдонинг ривожини билан уйғунлашиб кетади. Иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётдаги ижобий силжишлар мамлакат шаҳарларининг, айниқса, Гурганжнинг гуллаб - яшнашига замин ҳозирлайди. Худди шу омиллар ҳамда Хоразмнинг қулай жўғрофий шароитда жойлашгани Шарқнинг йирик илмий-маданий ва савдо марказларидан бирига айланишида муҳим ўрин тутди. Хоразмдан ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Ироқ, Умар аз-Замахшарий, Умар Чағминий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огаҳий каби олиму фозилларнинг, шоиру адибларнинг етишиб чиққанлиги бежиз эмасдир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O‘zbekiston. 2017. – 488 b.
2. Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. 3-jild. – Toshkent: O‘zbekiston, 2019. – 400 b.
3. Каримов И.А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Каримов И.А. Асарлар. 6-том. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. В-375.
4. “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш” ҳақидаги Қарори // Халқ сўзи, 1998, 20
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. –Москва. 1963. - 575 с.



6. Бартольд В.В. К вопросу о Чингизидах-христианах. –Москва. 1964. - С. 417-418.
7. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. –Москва. 1964. - С. 380-387.
8. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов — Ануштегинидов. –Москва. 1986.
9. Shihobiddin Muhammad an-Nasaviy. Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti / Matyoqubov K. tarjimasi. – Toshkent: O‘zbekiston - Yozuvchi, 1999. – 432 b.
10. Бўриев О., Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди (Даври, Саркардалик фаолияти. Манбалар). –Тошкент: Фан, 1999.-72 б
11. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/322>